

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ОТАХОНОВ ФОЗИЛЖОН ХАЙДАРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг

назарий-ҳуқуқий муаммолари.....3

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Теоретико-правовые проблемы юридической службы

в Республике Узбекистан37

Otakhonov Foziljon Haydarovich

Theoretical- legal problems of juridical service

in the Republic of Uzbekistan.....69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....74

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Үн.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ОТАХОНОВ ФОЗИЛЖОН ХАЙДАРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Yu74 рақами билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва “Ziyonet” ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Хамедов Иса Ахлиманович
юридик фанлар доктори, профессор

Тошқулов Жўрабой Ўринбоевич
юридик фанлар доктори, профессор

Мухаммеджанов Омонулла Зокирович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси.**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил 19 март куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871)232-60-80; факс: (99871)232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 1000003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871)232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил 5 март куни тарқатилди.
(2019 йил 5 март 14-рақамли реестр баённомаси)

О.Т.Хусанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор

А.Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлари номзоди, доцент

И.Т.Тулътеев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг барча мамлакатларида мукамал қонунчиликни яратиш, унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш муҳим йўналишлар ҳисобланади. Бу жараёнда давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати муҳим аҳамият касб этади. Юридик хизмат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш жараёнидан бошлаб, то уларнинг ижросини таъминлашгача; хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва бажариш; мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш; меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш; тегишли органлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилиш; ҳуқуқий тарбия ишларида фаол иштирок этади.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнида юридик хизмат ва юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, «юридик хизмат» ва «юридик ёрдам» тушунчаси ва моҳияти, юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштириш, юридик хизмат тизими, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишларини янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш, юридик хизматнинг давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқни қўллаш жараёнида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда иштирокига оид тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш»¹ каби вазифалар белгиланган. Бу эса юридик хизмат тизими ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда назарий-методологик жиҳатдан янгича ёндашувни, юридик хизматни махсус фан ва ўқув предмети сифатида ривожлантиришни, хорижий давлатлардаги юридик хизмат тизимини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ўрганиш ва унинг ижобий ютуқларидан самарали фойдаланишни, юридик хизмат ҳамда давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишга оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (2012), «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги (2006), «Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги (2017), «Медиация тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Юридик хизмат ва юридик ёрдам кўрсатиш муаммоларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of New South Wales (Австралия) University of Georgia, University of Colorado (АҚШ), Liege University (Бельгия), London School of Economics and Political Science (Буюк Британия), University of Bremen (Германия), University of Pretoria, Rhodes University (Жанубий Африка), Simon Fraser University (Канада), Punjabi University (Покистон), International Business School in Ruy-en-Zhozas,

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.handle.unsw.edu.au, www.theses.fr, www.hdl.handle.net, www.etheses.lse.ac.uk, www.shodhganga.inflibnet.ac.in, www.summit.sfu.ca, www.tilburguniversity.worldcat.org ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Франция), University of Canterbury (Янги Зеландия), University of Chile (Чили), Amity University (Ҳиндистон), Беларуссия давлат университети (Беларусь Республикаси) Россия давлат одил судлов университети, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси (Россия), Қозоғистон миллий университети (Қозоғистон), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида олиб борилмоқда.

Хорижий мамлакатларда юридик хизмат ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда юридик ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: юридик хизматнинг роли ўсиб бораётган шароитда онлайн юридик хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёжни таъминлаш механизмини такомиллаштириш асослантирилган (University of New South Wales); юридик хизматнинг хўжалик юритиш соҳасидаги қарорларни қабул қилиш, тижорат ва молиявий воситаларни танлашда иштирок этиши зарурлиги ва бу иқтисодий жиҳатдан энг фойдали тартиб-тамойил ва битимларни аниқлаш имкониятини бериши асослантирилган (Liege University); тадбиркорликда юридик хизмат институти тадбиркорлик ҳуқуқи тизимида мустақил қонунчилик тармоғи, фан ва ўқув предмети эканлиги асосланган (Россия давлат одил судлов университети); юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш ташаббуси ҳудудларнинг маъмуриятини тубдан қайта ташкил қилишда давлат сектори раҳбарлари дуч келадиган турли хил ва кўплаб муаммолар ҳақида фойдали ахборот бериши очиб берилган (Rhodes University); юридик ёрдам нафақат адвокатнинг ёрдами, балки шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган имкониятлардан фойдаланиши ва уни давлат органлари ҳам кўрсатиши мумкинлиги асослантирилган (Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси).

Дунёда юридик хизматни ташкил қилиш ва фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: давлат бошқаруви органлари юридик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини модернизациялаш; бозор иқтисодиёти шароитида юридик хизматнинг ролини кучайтириш; юрисконсултнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш; юридик хизмат институтининг илмий концептуал асосларини ривожлантириш; юридик хизмат кўрсатишда касбий жавобгарлик ва жамоат назорати таъсирчанлигини ошириш; юридик хизмат фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмларини яратиш; коррупцияга қарши курашишда юридик хизматнинг профилактик функциясини кенгайтириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари мавзусида илмий тадқиқот олиб борилмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг умумназарий ва хусусий муаммолари Х.Т.Азизов, А.А.Азизходжаев,

С.М.Адилходжаева, Б.Алимов, Ш.Н.Бердияров, Ҳ.Б.Бобоев, М.С.Восиқова, И.Б.Зокиров, З.М.Исломов, Е.Д.Кутибаева, Х.Т.Маматов, М.М.Миракулов, О.З.Мухамеджанов, Ў.Х.Мухамедов, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов, Ф.А.Примов, Ф.Х.Рахимов, Х.Рахмонқулов, М.Х.Рахмонқулов, М.Х.Рустамбаев, Ш.Н.Рўзиназаров, А.Х.Саидов, Ж.У.Тошқулов, И.Т.Тулътеев, А.С.Турсунов, А.А.Тўлаганов, О.Р.Файзиёв, М.М.Файзиёв, Э.Х.Халилов, Х.С.Хайитов, Р.Р.Хақимов, И.А.Хамедов, О.Т.Хусанов, У.Чориёров, Ш.А.Чуллиеф, О.Э.Эшонов, Ш.З.Ўразаев ва бошқаларнинг асарларида ўрганилган.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатлар, шу жумладан, МДХ давлатларида амалга оширилган тадқиқот натижаларини ўрганиш, уларда ҳам ҳуқуқий ишлар, ҳуқуқий ҳимоя, юридик ёрдам, юридик хизматнинг ўқув-услубий жиҳатлари, адвокатура ва юридик хизмат ҳамда иқтисодиётнинг айрим соҳалари, корхоналардаги юридик хизмат муаммолари билан боғлиқ тадқиқот ишлари амалга оширилганини кўрсатади. Хусусан, С.М.Айзин, В.С.Анохин, Е.Р.Антиперович, А.Н.Браток, О.Н.Бухаловский, И.В.Голованя, В.И.Еременко, И.Л.Зубова, А.Э.Жалинский, В.П.Иванов, М.И.Клеандров, К.К.Лебедев, Л.И.Липень, Ю.Ф.Лубшев, Н.В.Марченкова, Л.В.Масъ, Р.Г.Мельниченко, А.Л.Миронов, О.А.Овчаров, Я.В.Плинк, Б.И.Пугинский, С.А.Савченко, В.И.Сергеев, А.Н.Титиевский, М.Ю.Тихомиров, А.Н.Чашин, Л.В.Щербачева, Э.Дж.Адсетт, К.В.Бернс, П.Г.Бенингфилд, Ю.Бердетт, Т.Гарри, С.Гольберг, Д.Даниил, Д.Дентон, Р.Книпер, Г.М. Крастева, С.Кумар, П.Лайонел, Дж.Лёбсдорф, Л.Дж.Майкл, С.Морен, Л.Лу.Мэннинг, Н.Приан, М.Рамос, Г.Дж.Роджер, К.Роджер, Р.Л.Родриго, С.Д.Сегал, М.Н.Троттер, К.Уильям, А.Чайес, А.Х.Чайес асарларида юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган¹.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган тадқиқот натижалари юридик хизматнинг ҳуқуқий муаммоларини комплекс институт сифатида ўрганишни тақозо этди. Айрим муаллифлар томонидан ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллаш, қонун ижодкорлигида ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш масалалари бўйича тадқиқотларда ҳам юридик хизмат фаолияти қисман таҳлил этилган. Шунингдек, адлия органларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларига оид баъзи ишларда унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ёритиб берилган. Бундан ташқари, корхона, ташкилот, муассасалар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида юридик хизмат фаолияти билан боғлиқ тадқиқот ишлари амалга оширилган. Таъкидлаш лозимки, юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларининг айрим жиҳатлари илмий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этилган бўлса-да, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда юридик хизмат фаолиятининг назарий-концептуал масалалари ҳуқуқшунос

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

олимлар ишларида махсус илмий тадқиқот иши мавзуси сифатида тадқиқ этилмаган. Бугунги кунда, бу борада амалга оширилган тадқиқотларнинг кўлами ва даражаси Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ талабларга жавоб бермайди. Бинобарин, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда методологияси жиҳатидан юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши билан боғлиқ янги истиқболли йўналишга асос солиниши, ўз навбатида, уни комплекс тарзда ривожлантириш имкониятини яратади. Диссертация ишида юридик хизматнинг ҳуқуқий муаммолари ва фаолиятининг назарий-методологик асослари илк маротаба ёритиб берилди.

Давлат ва ҳуқуқнинг тадрижий ривожланиши ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан кўп масалалар, хусусан, юридик хизматнинг роли, тушунчаси, моҳияти, ҳуқуқий тартибга солишнинг такомиллаштирилиши, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибаси тизимли равишда тадқиқ этилмаган. Бундан ташқари, юридик хизмат тизими, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишлари, давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш асослари ва ваколатлари билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратилган бўлса-да, Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда янгича илмий-концептуал ёндашувлар асосида тадқиқ этиш йўналиши ва истиқболлари бундай шаклдаги тадқиқот ишларининг предмети бўлмаган.

Шунингдек, юридик адабиётларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолияти илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилмаган. Чунончи, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мамлакатимиз ва айрим хорижий давлатларнинг юридик хизматга ҳамда тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишга оид қонун ҳужжатлари, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг фаолияти ва ҳуқуқий муаммолари тадқиқотнинг объекти ва предмети сифатида янгича илмий ёндашувда ҳуқуқий тафаккур юритиш баробарида, назарий-методологик жиҳатдан ўзининг аҳамияти ва долзарблигини йўқотган назарий конструкция, ғоя ва қарашларни қайта кўриб чиқишни, ташкилий, норматив-ҳуқуқий, ўқув-услубий тусдаги асослантирилган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда «Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари» илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади юридик хизмат тизими ва фаолиятини ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тадбиркорлик

субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда юридик хизматнинг роли ҳамда унинг давлат функцияларини амалга оширишдаги аҳамиятини ўрганиш ва умумлаштириш;

ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда юридик хизматнинг ролини атрофлича илмий тадқиқ этиш;

«юридик хизмат» тушунчаси ва моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва асослаш;

юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини тарихий ва тадрижий тарзда ўрганиш, умумлаштириш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида юридик хизмат тизимини асослаш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ҳуқуқий мақомини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш асосида тегишли амалий таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;

мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг ўзига хос асосий йўналишларини таҳлил қилиш ва назарий хулосалар чиқариш;

мамлакатимизда юридик хизмат фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида хорижий давлатлардаги юридик хизматнинг ҳуқуқий асосларини ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва умумлаштириш;

адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича ваколатларини чуқур илмий таҳлил қилиш;

мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолияти ва унинг ҳуқуқий асосларини назарий тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объектини юридик хизматни ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш даврида юридик хизмат тизими ва фаолиятини тартибга солиш ҳамда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш борасидаги

илмий қарашлар ва концептуал ғоялар ҳамда мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда концептуал, муаммоли-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий-ҳуқуқий, формал-юридик, мантиқий ёндашув, амалиёт натижалари ва қонун ҳужжатларини таҳлил этиш, тизимлаштириш каби илмий билиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юридик хизмат – давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида мажбурий тартибда ташкил этиладиган мустақил таркибий тузилма бўлиб, у бевосита давлат органи ва ташкилотининг раҳбарига бўйсунуши лозимлиги асослангилган;

юридик хизматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича функциясининг қонунларда белгиланиши коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган нормалар бор-йўқлигини аниқлашга хизмат қилиши асосланган;

юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш тартибининг низомда белгиланиши, уларнинг юриспруденция соҳасидаги назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш, касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, зиммасига юкланган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтиришга хизмат қилиши очиб берилган;

низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш ва медиация) тартиби, шунингдек юридик хизматнинг шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдаги иштироки қонунларда белгиланиши давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тезкорлик билан тиклаш имкониятини бериши асослангилган;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофазасининг кафолатларини кучайтиришда Савдо-саноат палатаси ваколатларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этиши назарий жиҳатдан очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«юридик хизмат» тушунчаси, мазмуни, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, юридик хизмат тизими, юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари илмий-назарий тадқиқ қилинганлиги юриспруденцияда янги комплекс фан сифатида илмий изланишлар олиб бориш учун методологик асос яратилишига хизмат қилган;

давлат органлари ва ташкилотларида мажбурий равишда юридик хизмат ташкил қилинаётган, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларда юридик хизматга бўлган талаб сезиларли тарзда ўсиб бораётган шароитда тадқиқотчининг «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» дарслигидан олий ўқув юртлири ва касб-ҳунар коллежларида

ўқув жараёнида фойдаланилаётгани юқори малакали юридик хизмат ходимларини тайёрлаш имкониятини оширган;

тадқиқотчининг юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларидан бир қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда фойдаланилганлиги юридик хизмат фаолияти самарадорлигини оширишга имкон берган;

тадқиқот натижаларидан юридик хизматнинг бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнидаги вазифаларини амалга ошириш, адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича ваколатлари, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий манбалардан олинган ҳамда уларга белгиланган талаблар асосида ҳавола қилинган. Илмий тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосалар ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар, юридик фанларга тегишли илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар, шунингдек юридик хизмат ва юридик ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва тажрибасини қиёсий таҳлил этиш асосида илгари сурилган. Шунингдек, диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётга жорий қилинганлиги ва бу ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини намоён этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида эришилган илмий хулосалар «юридик хизмат» тушунчасини, унинг ҳуқуқий мақоми ҳамда мақсад ва вазифаларини асослаш, янги илмий тушунча ва таърифлар ишлаб чиқиш имконини беради. Диссертациянинг илмий хулосалари Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, конституциявий, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, тадбиркорлик (бизнес ҳуқуқи) ва иқтисодий процессуал ҳуқуқ фанларининг илмий-назарий жиҳатдан бойишига ҳамда уларга илмий тушунчалар ва таърифлар беришга асос бўлади.

Диссертация иши натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларни амалиётга татбиқ этилиши натижасида: биринчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг самарадорлиги ошишига эришилади; иккинчидан, мазкур органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш даражаси ошади; учинчидан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш ишлари такомиллаштирилади; тўртинчидан, давлат органлари ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини

юксалтиришга хизмат қилади; бешинчидан, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолияти янада кенгайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларига оид тадқиқот бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш борасидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида Низом»нинг 4, 5, 9, 15, 16, 18-бандларида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 22 январдаги 06/2-239-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, юридик хизмат тушунчасини аниқ белгилашга хизмат қилган;

диссертантнинг юридик хизматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизасини амалга оширишдаги иштироки тўғрисидаги таклифлари Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 22-моддаси, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 22 январдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни сифатини кўтаришга, юридик хизматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизасини амалга оширишдаги иштирокининг қонун билан белгиланишига хизмат қилган;

давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилаш лозимлиги тўғрисидаги таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида Низом» қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 23 январдаги 2/1-10-6-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказишда уларнинг касбига муносиблиги даражасини ҳолисона баҳолаш, зиммасига юкланган вазифалар

ва функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини кучайтириш, малакасини оширишда эса юриспруденция соҳасидаги назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш ва янгилашга хизмат қилган;

низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 149 ва 151-моддаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 22 январдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш низоларни судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилиш, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тезкорлик билан тиклашга, шунингдек, суд жараёни учун сарфланадиган харажатларни ҳамда юридик хизмат ходимлари вақтини тежашга имкон берган;

медиация, шу жумладан, медиатор ва унга доир талаблар, медиациянинг асосий принциплари, медиатив келишув, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув, медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув ҳамда медиациянинг низони ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳам қўлланилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси «Медиация тўғрисида»ги Қонунининг 4, 5, 7, 12, 14, 15, 16, 22-моддаларида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 22 январдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш медиацияга оид асосий тушунчаларни илмий асосланган ҳулосалар ва хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ифодаланиши, медиатор сифатида нафақат адвокат, балки медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган ҳар қандай шахс, шу жумладан, юрисконсулт ҳам бўлиши мумкинлиги қонунда белгиланишига хизмат қилган;

хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этишга қаратилган вазифалари, талабнома, даъво аризаси ва суд буйруғига оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 17, 18, 19, 20, 21-моддаларида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 22 январдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдаги иштирокини ҳамда талабнома билдириш ва кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини, шунингдек даъво аризаси ва суд буйруғи олиш тўғрисидаги аризани бериш ҳуқуқини қонунда аниқ белгилашга хизмат қилган;

тадқиқотчининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли муҳофазасининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик фаолияти соҳаси қонунчилигини такомиллаштириш ва бу борада Савдо-саноат палатаси ваколатларини кенгайтириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сон Фармони 1-бандининг а) ва б)-кичик бандлари, 4, 5 ва 11-бандларида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2019 йил 21 январдаги 11/ИЖ-39-641-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ижроия қўмитасининг тузилмасини такомиллаштириш ва унда мустақил юридик хизматни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 3068-сон Қарорини қабул қилишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2019 йил 21 январдаги 11/ИЖ-39-641-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш Савдо-саноат палатасининг Ижроия қўмитаси таркибида бевосита Палата раисига бўйсунадиган мустақил Юридик бюро ташкил қилиниб, Палатада қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий конференция, семинар ва давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 140 та илмий иш чоп этилган. Шундан 2 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг

Ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссерация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши ва апробацияси, шунингдек, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби – **«Юридик хизмат» тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши»** деб номланиб, тўртта параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда юридик хизматнинг ролини ошириш – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг объектив омили, «юридик хизмат» тушунчаси ва моҳияти, юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши, хорижий давлатларда юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири бу – мамлакатда ҳуқуқ-тартиботнинг ўрнатилганлиги, яъни жамият ва давлат ҳаётидаги турли ижтимоий муносабатларнинг қай даражада адолатли қонунлар билан тартибга солинганлигидир. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат ҳуқуқий нормалар асосида ташкил этилади ва фаолият олиб боради.

Диссертант юксак ҳуқуқий маданиятни фуқаролик жамиятининг асосий белгиси, пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодаси эканлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, юридик хизмат ижтимоий ҳаётда ўзига хос ўрин эгаллайди. Ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш муҳим бунёдкорлик вазифаларини рўёбга чиқаришнинг кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шунга биноан, диссертацияда юридик хизмат ҳуқуқ назариясининг ўзига хос категорияси сифатида ҳар томонлама таҳлил этилиб, унинг ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор, ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳуқуқ-тартибот категориялари билан узвий боғлиқлиги илмий тадқиқ қилинади.

Мазкур бобда мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати иштирокининг мазмун-моҳиятини очиб бериш мақсад қилиб олинди, бунинг учун, энг аввало, «юридик хизмат» тушунчасини ёритиш лозим, деб ҳисобланади. Ишда юридик хизматнинг тушунчаси, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, юридик фаолият билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий жиҳатлари ва ўзига хос томонлари, «юридик хизмат» тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлган, унинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этувчи «юрисконсулт», «ҳуқуқий масалалар», «ҳуқуқий ишлар», «юридик ёрдам», «юридик хизмат қилиш», «юридик хизмат кўрсатиш», «юридик маслаҳат» каби ибораларнинг тушунчаси ва мазмуни илмий таҳлил этилади.

Диссертант юридик хизматга ҳуқуқшунос олимлар томонидан берилган таърифларни давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ фанлари нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиб, бу таърифлар унинг тушунчасини тўлиқ очиб бермайди, деган хулосага келади ҳамда ўзининг муаллифлик таърифини беради. Унинг фикрича, «юридик хизмат» тушунчасида ҳам фаолият йўналишига, ҳам фаолиятни амалга оширувчи тузилмага – субъектга алоҳида урғу берилиши лозим. Агар улар бир-биридан ажратилса, юридик хизмат ўз моҳиятини йўқотади, бошқа тузилмалар ва фаолиятларга аралашиб кетади.

Юридик хизмат ҳуқуқий майдонда мустақил тузилма ва фаолият йўналиши сифатида мавжуд бўлиши объектив зарурат эканлиги асослантилган. Ушбу объектив зарурат қуйидагиларда намоён бўлиши кўрсатилган:

биринчидан, кишилик жамияти шундай босқичга етдики, бундай босқичда ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи роли барқарор ва муҳим бўлиб қолди. Келгусида ҳуқуқий ва ноҳуқуқий тартибга солиш ўртасидаги нисбат доимий бўлиб, ҳуқуқий омиллар заифлашмайди. Ушбу ҳолат ҳар қандай фаолиятни ҳуқуқий майдонда ва ҳуқуқий омиллар таъсирида амалга оширилишини тақозо этади;

иккинчидан, ҳар бир фаолият соҳасидаги ҳуқуқий ишлар юридик малака асосида ташкил этилиши лозим. Шу сабабли ҳам муайян касб эгаси бўлган шахслар ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик саводхон бўлмасин, барибир ихтисослашган юридик хизматга эҳтиёж сезадилар;

учинчидан, ижтимоий муносабатлар динамикаси ниҳоятда тезлашган ҳозирги даврда (бунга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожига катта туртки берди) ижтимоий муносабатлар замирида ҳар бир субъектнинг манфаати, мақсади ётади. Манфаатлар ҳар доим мос келмаслиги баҳсли, мунозарали, низоли масалаларни келтириб чиқариши мумкин. Уларни бартараф этиш, юмшатиш мақсадида барча давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматга муҳтож бўладилар.

Юқоридаги омиллар барча давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида юридик хизмат ҳуқуқий ишларнинг амалга оширилишини таъминловчи алоҳида, мустақил тузилма сифатида мавжуд бўлишини тақозо этиши асослантилган. Бусиз ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти ва бозор тизими нормал фаолият кўрсата олмаслиги таъкидланган.

Ишда юридик хизматни ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланишига алоҳида эътибор берилиб, унда Ўзбекистонда амалда бўлган юридик хизмат тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар табиати, уларнинг мазмуни ва уларга асосан юридик хизматнинг вазифа ва функциялари ўзгариб, ривожланиб бориши ва бу борадаги қонун ижодкорлигининг истиқболлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида мустақиллик йилларида юридик хизматни ташкил этиш ва фаолиятига ҳамда тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишга оид конституциявий тамойиллар, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, қуйидаги хулосаларга келинган: *биринчидан*, уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари, давлат бошқарув органлари, хўжалик бошқарув органлари ва давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми (вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги) белгилаб берилган; *иккинчидан*, юридик хизматнинг алоҳида муҳим вазифалари ва ҳуқуқлари қонунларда мустаҳкамланган; *учинчидан*, адлия органларига юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича кенг ваколатлар берилган; *тўртинчидан*, тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатувчи давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар доираси ҳамда ваколатлари кенгайтирилган.

Шу билан бирга, юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳозирги даражасини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар бўйича қўйилган вазифаларни самарали бажариш учун етарли эмаслиги таъкидланади.

Диссертантнинг фикрича, «Давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизмати тўғрисидаги Низом» фақат давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари учун мажбурий, бошқа ташкилотлар учун эса тавсиявий хусусиятга эга эканлиги, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар юридик хизматлари фаолияти давлат органлари эътиборидан четда қолишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ: *биринчидан* - юридик хизматнинг тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал иш фаолиятини таъминлайдиган барча асосий вазифалари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилиши лозим. Ҳозирги пайтда уларнинг юридик хизматини тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Таъкидлаш жоизки, ана шундай ҳужжатнинг қабул қилиниши уларда юридик хизмат фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва амалга ошириш имкониятини яратади. Акс ҳолда юридик хизматнинг вазифалари, ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ички ҳужжатлари (масалан, юридик хизмат ходимининг мансаб йўриқномаси, юридик бўлим тўғрисидаги ички низомлар) билан тартибга солинишига тўғри келади. Айрим ҳолларда мазкур ички ҳужжатларда юридик хизматнинг вазифалари, ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари субъектив сабабларга кўра чеклаб қўйилади. Масалан, баъзан раҳбарлар юридик хизматнинг ваколатларини чеклаб қўйишдан манфаатдор бўлса, баъзан эса юридик хизмат ходими

мазкур ички хужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида ўзига камроқ вазифа юклатилишидан манфаатдор бўлади; *иккинчидан* - амалдаги қонунчиликда юридик хизмат вазифаларининг бажарилишига тўсқинлик қилган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган, бироқ қонунчиликда мансабдор шахсни юридик хизматнинг иштирокисиз ҳуқуқий мазмундаги хужжатни қабул қилганлиги учун қандай жавобгарликка тортилиши масаласи белгиланмаган. Натижада, аксарият ҳолларда, мансабдор шахслар томонидан юридик хизматнинг иштирокисиз ҳуқуқий мазмундаги хужжатларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳамда давлат ва жамиятнинг манфаатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Судларда низоларнинг кўпайишига олиб келувчи омиллардан бири давлат органи ёки хўжалик юритувчи субъект фаолиятида юридик хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлигидир.

Диссертация доирасида Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Германиядаги юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари, тизими, ҳуқуқ ва вазифалари илмий таҳлил қилинган, хорижий мамлакатларнинг юридик хизмат кўрсатишга оид тажрибаларини ўрганиш мамлакатимизда юридик хизмат фаолиятининг ташкилий жиҳатларини ривожлантиришда, унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Юридик хизмат тизими, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишлари**» деб номланиб, унда мамлакатимиздаги юридик хизмат тизими, унинг ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда хўжалик бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари концептуал тарзда тадқиқ қилинган.

Диссертация ишида сўнгги йилларда юрист, айниқса, тадбиркорлик субъектларида, шу жумладан, хусусий корхоналарда юрисконсулт лавозими тобора оммавийлашиб бораётганлиги таъкидланади.

Юридик хизмат давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча бўғинларида (парламент, ҳукумат, вазирлик, давлат кўмитаси, агентлик, ҳокимлик ва бошқаларда), хўжалик бошқаруви органлари (компания, уюшмаларда ва ҳоказо), хўжалик юритувчи субъектларда (корхона, муассаса, ташкилотларда) ҳам мавжуд. Бироқ, давлат ҳокимиятининг олий органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги ҳуқуқий ишлар хусусиятлари, ҳажми ва йўналишлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилади. Шу сабабли, турли давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг моҳиятини аниқлашда ушбу масалага тизимли ёндашиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, хўжалик бошқарув органларида, шунингдек, кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда юридик хизмат ўзига хос алоҳида субъект эмас, балки субъект тузилмаси, унинг таркибий қисми сифатида кўринади. Юридик хизматнинг барча ҳуқуқ

ва мажбуриятлари ҳамда масъулияти йиғиндиси унинг ҳуқуқий мақомини ташкил этади. Муаллиф юридик адабиётларда ёритилган «ҳуқуқий мақом», «ҳуқуқий ҳолат», «статус» тушунчаларини, ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикр ва мулоҳазаларини, ушбу тушунча билан қамраб олиниши мумкин бўлган доирани аниқлайди ва юридик шахснинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда унинг таркибий тузилмалари, шу жумладан, юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми белгиланишини кўрсатиб беради.

Диссертант талқинича, юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда унинг бошқа функционал таркибий тузилмалардан ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилади. Агар давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бошқарув органлари юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар асосида тасдиқланадиган ички низомлар билан тартибга солинган бўлса, бошқа функционал таркибий тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми, қоида тариқасида, уларнинг раҳбарлари ёки ваколат берилган шахслар томонидан тасдиқланадиган ички низомлар билангина белгиланади. Бу, ўз навбатида, юридик хизматнинг давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фаолиятида алоҳида мавқега эга эканлигидан далолат беради.

Мазкур бобда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини ёритиш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларда уларнинг ўрни таҳлил этилган. Муаллифнинг фикрича, ҳозирги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб: *биринчидан*, давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли; *иккинчидан*, давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида юридик хизматнинг иштироки; *учинчидан*, юридик хизмат томонидан соҳавий ва ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб бориш баробарида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, *тўртинчидан*, унинг асосий йўналишларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзига хос вазифалари ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда бошқа йўналишлар ҳам киритилиши мумкинлиги эътироф этилган.

Давлат органлари фаолиятида юридик хизмат фаолиятининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш учун, аввало, «қонунийлик», «қонунийликни таъминлаш» тушунчаларига ва ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтилган. Тадқиқотчи юридик хизматнинг давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги иштироки – унинг энг муҳим фаолият йўналишидир, деган хулосага келади. Унинг фикрича, юридик хизматнинг бошқа йўналишлардаги фаолиятида ҳам қонунийликни таъминлаш билвосита намоён бўлади. Тадқиқотда, шунингдек, юридик хизматнинг давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги иштироки илмий-

амалий жиҳатдан таҳлил этилиб, юридик хизматнинг бу йўналишдаги фаолияти: а) ташкилий; б) назорат; в) ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш функциялари билан амалга оширилиши ва уларнинг намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатлари тавсифлаб берилади.

Ишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг юридик бўлимлари, уларнинг ваколатлари илмий-амалий таҳлил этилган. Муаллиф давлат бошқаруви органларида юридик хизматнинг идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштироки ҳақида алоҳида тўхталиб, юридик хизматнинг бу жараёндаги иштирокини уч йўналишда, хусусан: *биринчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини бевосита юридик хизматнинг ўзи томонидан ёки айрим ҳолларда бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда тайёрлаши; *иккинчидан*, бошқа таркибий тузилма ёки унинг ходимларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда кўмаклашиш; *учинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш кабиларда намоён бўлишини очиб берган.

Диссертант давлат бошқаруви органи юридик хизматининг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этишининг асосий шакли сифатида ҳуқуқий экспертизага тўхталиб, ҳуқуқий экспертизанинг элементлари: қонунийликни текшириш, матнни ҳуқуқий ва умумий таҳрир қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклининг белгилаб қўйилган талабларга жавоб бериши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатга манфаатдор шахслар томонидан виза қўйиш тартиби, норматив-ҳуқуқий ҳужжат юбориладиган шахслар рўйхати кабилардан иборат эканлигини таҳлил қилган.

Диссертант юридик хизматнинг соҳавий ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини таркибий элементларга ажратган ҳолда илмий-амалий жиҳатдан изоҳлаб берган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳуқуқий ахборот излаш тизими бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни осон ҳамда қулай шаклда излаш ва улар билан танишиш имконини бераётганлиги, ҳозирги кунда унда 24 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида мавжудлиги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳуқуқ субъектларига ўз вақтида етказилиши ҳамда мазкур ҳужжатларнинг назорат ҳолатида сақланиши бўйича амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, диссертант, давлат бошқаруви органларининг юридик хизмати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибли ҳисобини юритиш ва назорат ҳолатида сақлаш ишларини адлия органлари билан ҳамкорликда олиб боришлари мақсадга мувофиқдир, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни назорат ҳолатида сақлаш бўйича услубий қўлланманинг ишлаб чиқилиши юридик хизмат томонидан бу борадаги

ишларни бир хилда олиб бориш имкониятини яратади, деган хулосага келади.

Ишда хўжалик бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари алоҳида тадқиқ этилиб, унда хўжалик бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари, хусусан, *биринчиси*, хўжалик бошқарув органининг ижроия (ишчи) аппарати фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдаги иштироки; *иккинчиси*, хўжалик бошқарув органи таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий ишлар ва уларнинг юридик хизматига услубий раҳбарликни амалга оширишдаги иштироки масалалари танқидий таҳлил қилиш асосида ёритилган. Хусусан, хўжалик бошқарув органлари ҳуқуқий табиати қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлиги сабабли унинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятини назорат қилиш имконияти чекланган, шунингдек, услубий раҳбарлик тизимли йўлга қўйилмаган.

Бунинг сабаблари: биринчидан, кўпгина хўжалик бошқарув органлари уставларида тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ишлари ва юридик хизматига услубий раҳбарлик қилиш кўзда тутилмаган; иккинчидан, айрим компания ва уюшмаларда ҳуқуқий ишларнинг асосий ташкилотчиси - юридик хизмат умуман йўқ ёки фақат бир кишидан иборат. Ва, табиийки, у, асосан, ижроия (ишчи) аппарат доирасида маслаҳат бериш, буйруқ, йўриқнома ва фармойишларнинг қонунийлигини назорат қилиш билан шуғулланади.

Муаллифнинг эътирофига асосан, юридик хизматга услубий раҳбарликнинг тўғри йўлга қўйилиши хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳуқуқий ишлар самарадорлигини ошириш орқали уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, молиявий кўрсаткичларини яхшилаш, ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтириш, юридик хизмат ходимларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Муаллиф хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларига тўхталиб, ҳуқуқшунос олимлар, хусусан, С.Айзин, В.Еременко, М.Клеандров, Л.Лебедев, Н.Марченкова, Л.Масъ, М.Тихомиров, А.Чашин ва бошқалар томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни ўрганиб, уларни таҳлил этиб, улар билан илмий мунозарага киришиб, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини батафсил ёритиб берган.

Диссертациянинг **«Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича ваколатлари»** деб номланган учинчи бобида адлия органларининг бу борадаги ҳуқуқлари, функциялари ва амалий фаолияти, шунингдек, юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари ёритилган.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ишда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш адлия органлари томонидан, жумладан, қўйидаги функцияларни амалга ошириш орқали намоён бўлиши ифодаланган: 1) юридик хизматлар фаолиятини, улар томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий ишлар ҳолатини ўрганади ва бу борада тегишли кўрсатмалар беради; 2) юридик хизматлар ходимларини лавозимига тайинлаш ва озод қилишда иштирок этади; 3) юридик хизматлар ходимларининг малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил қилади; 4) юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди, аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беради; 5) юридик хизматлар ходимларининг ҳисобини юритади, маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди; 6) юридик хизматлар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади; 7) юридик хизматлар ходимларининг иш жойини моддий-техник жиҳатдан таъминлашга қўйилган минимал талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Ишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини юридик экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш функциясини бажаришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўрганиш орқали мазкур идораларнинг юридик хизмати фаолиятини таҳлил қилиши ва унга баҳо бериши кўрсатилиб, юридик хизмат фаолияти устидан билвосита назорат қилишни амалга ошириши мавжуд қонунчилик ва статистик маълумотлар орқали таҳлил этилади. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан 2017 йилда вазирлик ва идораларнинг 3163 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги, бу 2016 йилга нисбатан қарийб икки бараварга ошганлиги, ҳуқуқий экспертиза натижасига кўра, 2171 та лойиҳа юзасидан хулосалар берилиб, уларнинг 2017 тасига розилик имзоси қўйилганлиги, шундан 632 таси эътирозларсиз, 1 385 таси эътирозлар билан, 154 та лойиҳа имзоланмаганлиги, 992 та лойиҳа Ҳукумат регламенти талабларига риоя этилмай киритилганлиги сабабли, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қайтарилганлиги қайд қилинган¹. Бу, ўз навбатида, бир томондан, вазирлик ва идоралар юридик хизматларининг норма ижодкорлигидаги фаолияти кенгайиб бораётганлигидан, иккинчи томондан норма ижодкорлиги жараёни сифати талабга жавоб бермаётганлигидан далолат бериши таъкидланган.

Диссертацияда адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш фаолияти Адлия вазирлиги, унинг веб-саҳифаси, оммавий ахборот воситалари ҳамда юридик адабиётлардан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилиниб,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот / <http://www.minjust.uz/uz/about/statistics/>.

умумлаштирилган. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан охирги икки йил мобайнида бу соҳага оид 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланган ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланган, бир қатор услубий қўлланмалар тайёрланган; 2017 йилда адлия органлари томонидан 533 та давлат органи ва ташкилотлари юридик хизматларининг фаолияти ўрганилган. Бу жараёнда 9 887 та камчилик аниқланган, камчиликлар юзасидан 694 та тақдимнома киритилган, тақдимномалар бўйича 217 та мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 130 таси эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган; адлия органлари билан давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг 610 нафар ходимини лавозимга тайинлаш ва 204 нафарини лавозимдан озод этиш учун келишилган¹. Шунингдек юридик хизмат ходимларидан 125 таси 2014 йилда, 699 таси 2015 йилда, 377 таси 2016 йилда, 527 таси 2017 йилда ўз малакасини оширган. 2014 йилда 180 та, 2015 йилда 426 та, 2016 йилда 367 та, 2017 йилда 521 та юридик хизмат ходими аттестациядан ўтказилган². Демак жами штат бирликларидаги 4753 та юридик хизмат ходимларидан 1728 таси, яъни 36 фоизи малакасини оширган, 1494 таси, яъни 31 фоизи аттестациядан ўтказилган холос.

Диссертант юқоридаги рақамлардан кўриниб турганидек, мазкур соҳадаги ишлар талаб даражасида эмаслигидан далолат беришини таъкидлаб, юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказишга тизимли ёндашиш ва бунда давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг масъулиятини кучайтириш зарур деган хулосага келади.

Диссертацияда юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг етишмаслиги сақланиб қолаётганлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар, айниқса юридик хизмат ходимларини тайёрлаш тизими мавжуд эмаслиги қайд қилинади.

Дарҳақиқат, Адлия вазирлигида буни самарали йўлга қўйиш учун барча ҳуқуқий асослар ва ташкилий тузилмалар мавжуд. Хусусан, Адлия вазирлигига адлия органлари ва муассасалари, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларига юбориш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, Адлия вазирлиги тизимида Тошкент давлат юридик университети, Тошкент юридик коллежи, Юристар малакасини ошириш маркази фаолият кўрсатмоқда.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот / <http://www.minjust.uz/uz/about/statistics/>.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг веб-сайти <http://www.minjust.uz/uz/activity/coordination/89446/>.

Аммо Тошкент давлат юридик университетида юридик хизмат ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув жараёнида махсус курс ҳам, ўқув предмети (фан) ҳам назарда тутилмаган. 1993 йилдан 2007 йилга қадар мавжуд бўлган «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» фани ўқув режасидан бутунлай чиқариб ташланган.

Тадқиқотчининг фикрича «Юридик хизмат» ўқув предметини бакалаврларни тайёрлашнинг барча мутахассислик йўналишлари бўйича ўқув дастурларига ҳамда магистрларни тайёрлаш бўйича тегишли йўналишлар ўқув дастурларига киритиш мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, юқори малакали юридик хизмат ходимларини тайёрлашга хизмат қилади, чунки умумий фанларнинг ўқитилиши касбий малака ва салоҳиятни шакллантириш учун етарли эмас.

Диссертацияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар юридик хизматлари фаолиятининг назарий ва амалий муаммоларини илмий тадқиқ қилишга тегишли давлат органлари, илмий ва олий таълим муассасалари етарли даражада эътиборни бермаётганлиги танқид қилинади. Хусусан, мустақиллик йилларида бу соҳада деярли илмий тадқиқотлар олиб борилмаганлиги, бирорта ҳам докторлик диссертацияси ҳимоя қилинмаганлиги, магистрлик ишлари йўқ даражада эканлиги, бу эса, ўз навбатида, юридик хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулоса бериш имкониятини чеклаётганлиги таъкидланган.

Бундай ҳолатни бартараф этиш учун Адлия вазирлиги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги ва бунда вазирлик ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти юридик хизмат соҳасини ҳам фундаментал ва амалий тадқиқотлар режасига киритса ва бу соҳа учун етук илмий ходимлар тайёрлашга эътиборни кучайтирса мақсадга мувофиқ бўлар эди деган таклиф илгари сурилган.

Тадқиқот ишида сўнгги йилларда қабул қилинган адлия органлари ва юридик хизмат тизими ва фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиниши асносида бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар ҳамда юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари ифодаланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатлари**» деб номланиб, унда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши тушунчаси ва мазмуни, ҳуқуқий

асослари ҳамда бу борадаги фаолиятига оид масалалар назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Давлат иқтисодий ислохотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда ўз органлари орқали бевосита иштирок этади. Энг муҳими, давлат ислохотлар жараёнининг барча босқичларида етакчи ўринда туриши, бу жараённинг марказида бўлиши шарт. Чунки фақат давлатгина умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча қатламларини кўзланган мақсадларга эришиш учун жипслаштиришга қодир.

Эркин бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий ишларини такомиллаштиришда давлат органларининг фаолияти ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро, *биринчидан*, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада шаклланмаганлиги; *иккинчидан*, уларнинг юридик хизмат ходимларини доимий асосда ишга жалб қилиш учун молиявий имкониятларнинг чекланганлиги; *учинчидан*, собиқ мустабид тузумдан қолган сарқитлардан халос бўлмаслик оқибатида давлат органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга ёки юқори турувчи органларга мурожаат қилишга ҳар доим ҳам тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг журъати етишмаслиги давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишини тақозо этмоқда.

Муаллиф фикрича, давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш тушунчаси кенг ва тор маъноларда талқин этилади. Бинобарин, давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишига – кенг маънода, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ваколатларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишни ўз ичига олиши баён қилинган. Тор маънода давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилган ҳамда бу борада тегишли ваколатларга эга бўлган давлат бошқарув органларининг мазкур йўналишдаги профессионал фаолияти деб илмий-назарий таъриф берилади. Шу билан бирга, ишда тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатувчи давлат органларини уларнинг ваколоти доирасига қараб икки гуруҳга: умумий ва махсус ваколатли органларга ажратиш мумкинлиги таъкидланиб, уларнинг функция ва вазифалари прокуратура органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти мисолида ажратиб кўрсатилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларга: а) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга; б) назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтиришга, в) тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймасликка; г) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган.

Диссертантнинг фикрича, давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятининг ўзига хос бўлган қуйидаги жиҳатларини кўрсатиш мумкин: *биринчидан*, давлат органларининг ҳокимият ваколатига эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши; *иккинчидан*, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириши; *учинчидан*, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан ваколат доирасида тегишли жавобгарлик чораларини кўриши.

Тадқиқотчи, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш тушунчасига муаллифлик таърифини берган.

Тадқиқотчи, мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатилиши объектив зарурат бўлиб, бу бир томондан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинганлик даражасининг юқорилиги улар фаолиятига ноўрин аралашувлар ва тазйиқларни, тўсиқларни, турли хил ўзбошимчаликларни чеклашга, иккинчи томондан, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилмоқда, деб ҳисоблайди.

Диссертацияда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга юридик ёрдам кўрсатишда фақатгина давлат органлари ва муассасаларининг фаолияти етарли эмаслиги, бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам муҳим ўрин эгаллаши зарурлиги илмий асосланган бўлиб, бунда, *биринчидан*, давлат органлари ва мансабдор шахслар тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишда, барибир давлат манфаатлари ҳимояси, керак бўлса, устуворлиги нуқтаи назаридан ёндашиши; *иккинчидан*, тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишда давлат органларининг айрим мансабдор шахслари ва мутахассислари томонидан ўзининг шахсий, ғаразли мақсадлари йўлида

тамагирлик қилиш, коррупцияга берилиш каби иллатлардан ҳеч ким қафолатланмаганлиги; *учинчидан*, фуқаролик жамиятини қуришда биринчи ва асосий талаб ўзини ўзи бошқариш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзи ва уюшган ҳолда турли хил жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар воситасида биргаликда ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқаришдан иборат эканлигини доимо назарда тутиш кераклиги таъкидланган.

Тадқиқотда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан қонунларга қатъий риоя қилинмаётганлиги, хусусан, жойларда тадбиркорлик субъектларининг маблағларини ноқонуний жалб этиш, ҳисоб рақамидаги маблағларидан эркин фойдалана олмаслик, уларга хўжалик бинолари ва ер участкалари ажратишни асоссиз кечиктириш, соддалаштирилган тартибда рўйхатга олиш қоидаларини бузиш, расмийлаштириш ишларини пайсалга солиш, тадбиркорларга лицензия ва бошқа рухсатномалар беришда, банклар томонидан кредитлар ажратишда қонунбузарликка йўл қўйиш, шунингдек, асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка ва молиявий жазога тортиш, солиқ ва божхона тўғрисидаги қонунчилик нормаларини нотўғри қўллаш ва шартнома интизомига амал қилмаслик каби ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг фикрича, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг асосий сабаблари: *биринчидан*, тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва бурчларини тўлиқ англаб етмаётганликлари ёки бошқача айтганда, ҳуқуқий билим савиясининг пастлигида; *иккинчидан*, андишага ёки назорат қилувчи органларнинг айрим ходимлари билан келишувчиликка бориб, бузилган ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб тегишли органларга мурожаат қилмаётганликларидан; *учинчидан*, текширув натижалари бўйича қанча хато ва камчиликлар, қонун бузилиши ҳолатлари аниқлангани, жарима ва пенялар ундирилгани, тадбиркорлик субъектлари раҳбарларидан қанчаси маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилганлиги назорат қилувчи органлар раҳбарлари томонидан ходимлар фаолиятига асосий баҳо бериш мезони бўлиб қолаётганлигида; *тўртинчидан*, текширишларни амалга ошириш кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилаётганлигида; *бешинчидан*, нафақат текширилувчи тадбиркор, балки назорат қилувчи орган ходими ҳам тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ танишиш имкониятига эга бўлмаётганида; *олтинчидан*, назорат қилувчи органлар айрим ходимларининг тамагирлигида; *еттинчидан*, текширишлар жараёнида ошкораликнинг етарли даражада таъминланмаётганлигида намоён бўлади.

Муаллиф нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари: *биринчидан*, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамияти институти бўлиб, уларни ташкил қилишнинг асосий мақсадларидан бири

аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги; *иккинчидан*, нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки таъсис ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси ва ҳуқуқи белгиланганлиги; *учинчидан*, нодавлат нотижорат ташкилотлар юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус юридик хизматни ташкилий тузилма ёки юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилот сифатида ташкил қилиши мумкинлиги; *тўртинчидан*, айрим нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзоларига юридик ёрдам кўрсатишда давлат томонидан имтиёзлар берилганлиги; *бешинчидан*, юридик ёрдам мазкур ташкилотлар аъзоларига, қоида тариқасида, текинга ёки имтиёзли шартларда кўрсатилиши; *олтинчидан*, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юридик ёрдам уларга аъзо бўлмаган тадбиркорлик субъектларига ҳам шартнома асосида кўрсатилишида намоён бўлишини очиб берган.

Ишда тадбиркорлик субъектларига нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва уларнинг жойлардаги таркибий тузилмалари ҳамда адвокатура томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдам мисолида таҳлил қилинган. Ҳозирга келиб мамлакатимизда тўққиз мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият олиб бораётганлиги, мазкур нодавлат нотижорат ташкилотларнинг деярли барчаси ўз аъзоларининг у ёки бу соҳадаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётганлиги баён қилинган.

Тадқиқотчи нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш; тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш, таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш; шартномаларни, шу жумладан, хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ишларни амалга ошириш, улар бўйича юридик хулосалар бериш; даъво ишларини юритиш; тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўзаро ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек, медиация жараёнида, судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш каби юридик ёрдам кўрсатишининг асосий вазифа ва функцияларини диссертацияда батафсил ёритган. Тадбиркорлик субъектларига нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан барча турдаги сифатли ва самарали юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, айниқса, демократик институтларни, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиши ҳақида асосли хулосага келинган.

ХУЛОСА

Мустақил мамлакатимизда юридик хизматнинг ҳуқуқий муаммоларини яхлит илмий-назарий тадқиқ этиш натижалари қуйидаги концептуал хулосаларга асос бўлди:

I. Илмий-назарий хулосалар.

1. Юридик хизмат деганда – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат корхона, муассаса ва ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотларда ҳуқуқий ишларни амалга оширилишини таъминлайдиган, бевосита уларнинг раҳбарига бўйсунадиган, ташкилий жиҳатдан мустақил бўлган таркибий тузилма (юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро) ёки лавозим (бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт) тушунилади.

2. Қонунийлик деганда – барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва унга зид бўлмаган бошқа қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилиш ҳамда уларни ижро этиш; қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланиш, давлат органларининг қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида қонунда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этиш, шунингдек, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлигини таъминлаши тушунилади.

3. Давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши деганда – давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган ва ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрнатовчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, уларнинг бузилиш хавфи мавжуд бўлган ёки бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўрсатиладиган фаол профессионал ёрдами тушунилади.

4. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши деганда, улар томонидан белгиланган тартибда ўз аъзоларига, қоида тариқасида, текинга ёки имтиёзли шартларда ва бошқа юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорларга шартнома асосида ҳақ эвазига ҳуқуқий масалалар бўйича хизмат кўрсатиши тушунилади.

II. Юридик хизматни ташкил қилиш ва фаолиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

5. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар шароитида юридик хизмат тизимини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳуқуқий ишларнинг самарадорлигини ошириш мустақил давлатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни

шакллантириш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга оширишда бошқа органлар билан бир қаторда, юридик хизматнинг аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатимизда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган юридик хизматни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ: а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати; б) давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати; в) вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати; г) хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) юридик хизмати.

6. Давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмат қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган, бевосита давлат органи ва ташкилоти раҳбарига бўйсунадиган, мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим ҳисобланади. Юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартириш ва уларни давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларига қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди. Демак, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати давлат томонидан қафолатланган иммунитетга эга.

Аммо хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари юридик хизмати бундай иммунитетга эга эмас, кўпчилик ҳолатларда юридик хизмат бошқа тузилманинг таркибида ташкил қилинади, раҳбар ўринбосари ёки таркибий тузилма бошлиғига бўйсунди. Бу эса уларнинг самарали фаолият юритишига, айниқса, қонунийликни таъминлашга қаратилган фаолиятини тўлиқ амалга оширишга имконият бермайди.

Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда ҳам юридик хизматни бевосита раҳбарга ёки юқори бошқарув органига бўйсунадиган мустақил таркибий тузилма сифатида ташкил қилиш лозим. Хусусан, акциядорлик жамиятларида юридик хизматни ички аудит хизмати каби кузатув кенгашига бевосита бўйсундириш мақсадга мувофиқ.

7. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларига ҳозирги кунда қўйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: а) давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли; б) давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида юридик хизматнинг иштироки; в) юридик хизмат томонидан соҳавий ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб бориш.

Юридик хизматнинг давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги иштироки – унинг энг муҳим фаолият йўналишидир, чунки юридик хизматнинг бошқа йўналишлардаги фаолиятида ҳам қонунийликни таъминлаш билвосита намоён бўлади. Юридик хизматнинг бу йўналишдаги

фаолияти қуйидаги функцияларни: а) ташкилий; б) назорат; в) ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш билан амалга оширилади.

Юридик хизматнинг соҳавий ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишлари ўз ичига қуйидагиларни: а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини ташкил қилиш; б) таркибий бўлинмаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан таъминлаш; в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни белгилаб бориш, бекор қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фойдаланишдан чиқариш ва бу ҳақда таркибий бўлинмаларни хабардор қилиш; г) суд амалиёти материалларини йиғиш кабиларни олади.

Юридик хизматнинг бу йўналишдаги фаолиятдан кўзланган мақсад: биринчидан, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқ субъектларига ўз вақтида етиб боришини таъминлаш; иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нотўғри қўлланилишининг олдини олиш; учинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга ёхуд ўз кучини йўқотгунга қадар келиб чиққан муносабатларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг олдинги таҳрири қўлланилишини эътиборга олишдан иборат.

8. Мамлакатимизда иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бошқарув органлари фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини оширишда юридик хизмат муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам, хўжалик бошқарув органларининг асосий вазифалари жумласига улар таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, биринчидан, тегишли тармоқнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юридик хизмат фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади; иккинчидан, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган ўхшаш ҳуқуқий муаммоларни тезкорлик билан сифатли бартараф этишга имконият яратади; учинчидан, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат ходимларига кўмаклашиши учун қонуний асос яратилади, ва ниҳоят хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат ходимларининг малакасини ошириш сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир қилади.

9. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган давр мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириладиган ҳуқуқий ишлар самарадорлигини ошириш ва улардаги юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини аниқ белгилашни тақозо этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларига қуйидагилар киради: а) хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ишлардаги иштироки;

б) талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли; в) мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш; г) меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли.

Юридик хизмат фаолиятини мазкур тўртта асосий йўналишга ажратишга сабаб, биринчидан, бу йўналишлар барча хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятига хослиги; иккинчидан, уларнинг бир-бирини такрорламаслиги, аксинча, бир-бирини тўлдириши, яъни комплекслилиги, уйғунлиги ва изчиллиги; учинчидан, юридик хизматнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда тизимга солинганлигидир.

10. Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича фаолиятини илмий таҳлил қилган ҳолда тадқиқотчи, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бир ҳисобланиши ва бунинг учун вазирликда барча ҳуқуқий асослар ва ташкилий тузилмалар мавжудлигини эътироф этиб, у юридик хизмат ходимларини тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратиши, бунда ягона давлат стандартлари юритилишини таъминлаши, ўзига хос мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини ўташи, олий юридик ўқув юртлари ўқув дастурларига “Юридик хизмат” фанини киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

11. Мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатилиши объектив зарурат бўлиб, бу бир томондан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинганлик даражасининг юқорилиги улар фаолиятига ноўрин аралашувлар ва таъйиқларни, тўсиқларни, турли хил ўзбошимчаликларни чеклашга, иккинчи томондан, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

12. Хорижий давлатларда ва қисман мамлакатимизда чоп этилаётган юридик адабиётларда ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш, айниқса тадбиркорлик субъектлари ва бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллашни такомиллаштириш заруратини инобатга олиб, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш юридик фаннинг муҳим вазифасидир. Айниқса, унинг тизими ва ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар юзасидан хулоса, таклиф ва тавсияларни асослаб бериш зарурати пайдо бўлмоқда.

Юридик фанда янги йўналиш сифатида юридик хизмат фанини ривожлантириш истиқболли вазифадир. Шу сабабли, юридик хизматнинг

долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш зарурати мавжудлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, юридик хизматни ўқув-услубий жиҳатдан олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўрганишнинг йўлга қўйилганлиги ҳам бу ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

13. Юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, уларнинг касбий тайёргарлиги ва малака оширишини ташкил этиш; юридик хизмат фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, юрисконсултларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш; юридик хизмат ходимлари томонидан қонун ҳужжатларига, юрисконсулт касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон юрисконсултлари ассоциациясини ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

III. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

14. Юридик хизмат, унинг тизими ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиши ва бу борадаги қонун ижодкорлигининг истиқболларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

«Давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизмати тўғрисида Низом» фақат давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари учун мажбурий, бошқа ташкилотлар учун эса тавсиявий хусусиятга эга. Шунга кўра хўжалик бошқарув органлари таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари юридик хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асослари, асосан, ички низомлар ва мансаб йўриқномалари билан тартибга солинмоқда. Юридик хизмат мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этишга қаратилган оммавий функцияни амалга оширади. Шунинг учун ҳам юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Юридик хизмат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро, қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари барча бўғинлари, хўжалик бошқарув органлари, барча хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар юридик хизмати, хўжаликлараро юридик хизматларнинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, юридик хизмат ходимларини лавозимларига тайинлаш ва озод қилиш тартиби, юридик хизматга раҳбарлик қилиш шакл ва услублари белгиланиши лозим.

Юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш давлат ва ижтимоий-сиёсий тузилишни демократик

жиҳатдан янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, мамлакат суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 40-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16-банди 10-банддаги нормани тўлиқ такрорлаётганлиги сабабли, уни қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: *«16. Стажёр стажировкадан ўтиши режасида белгиланган тадбирларни тўлиқ бажариши лозим».*

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг¹ 24-банди иккинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: *«Ходим ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, мазкур масаланинг комиссия томонидан кўриб чиқиши талаб этилмайди, юридик хизмат ходими комиссияда бу масалани кўриб чиқиши тўғрисида ёзма мурожаат қилган ҳолат бундан мустасно».* Бундай таклиф киритишимизга сабаб амалиётда, айниқса, давлат органи ва ташкилотининг раҳбари ўзгарган ҳолларда, юридик хизмат ходимини ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза ёзиб беришни талаб қилиш ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ушбу масала комиссия томонидан кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 28¹-бандидан *«ҳамда юридик хизмат штат бирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилганда»* деган жумлани чиқариб ташлаш таклиф қилинади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 2-бандида давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган энг кам меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилиши ва бунда юридик хизматнинг мавжуд штат birlikларининг қисқартирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизимини оқилона ташкил этишга эришиш, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат бунёд этишга,

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда, 10.01.2018 й., 10/18/2864-1/0539-сон, 10.09.2018 й., 10/18/2864-2/1860-сон.

фуқаролик жамиятини шакллантиришга, миллий қонунчиликни
такомиллаштиришга, қолаверса, жамиятда ҳуқуқий маданиятни
юксалтиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Yu.23.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ОТАХОНОВ ФОЗИЛЖОН ХАЙДАРОВИЧ

**ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЮРИДИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

**12.00.02 – Конституционное право. Административное право.
Финансовое и таможенное право**

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B2018.1.DSc/Yu74. Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

